

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

БИЗНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗДИР!

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOY-IQTISODIY GAZETA

№96 (241) 2018 йил 7 декабрь, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI MDXNING NORASMIY SAMMITIDA ISHTIROK ETDI

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 6 декабрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган норасмий мажлисида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин кутиб олди. Суратга тушиш маросимидан сўнг МДХга аъзо давлатлар раҳбарларининг норасмий учрашуви бошланди.

Алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизнинг Ҳамдўстликка аъзо давлатлар билан ҳамкорлиги турли йўналишларда изчил ва ҳар томонлама ривожланиб бормоқда.

Президентимиз жорий йил 28 сентябрь куни Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган МДХ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этган эди.

Ўтган даврда мамлакатимиз МДХ доирасида ўн та тармоқ бўйича ҳамкорликка қўшилди. Ўзбекистон ташкилот Парламентлараро ассамблеясининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди, Усимликлар карантини бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш, Фан-техника ва инновация соҳаларида ҳамкорлик бўйича давлатлараро кенгаш, Агроекономика комплекси масалалари бўйича кенгаш, Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш бўйича комиссия, МДХга аъзо давлатлар хавфсизлик органлари ва махсус хизматлари раҳбарлари кенгаши, МДХнинг хизматлари бўйича эркин савдо зонаси тўғрисида битимини ишлаб чиқишга оид юқори даражада ишчи гуруҳ ва бошқа органлар фаолиятига қўшилди.

Ўзбекистон МДХ маконида ўзаро бозорларни шакллантириш, боғвон тартиб-таомилларини соддалаштириш, халқаро ва минтақавий транспорт йўлақларидан самарали фойдаланиш тарафдоридир.

Жорий йилда Ўзбекистон Ҳамдўстлик доирасида Мудофаа вазирлари кенгаши, Уруқчилик масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш, Стандарт-

лаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича кенгаш, Геодезия, картография, кадастр ва Ерни масофадан туриб зондлаш бўйича давлатлараро кенгаш мажлислари ва кўплаб бошқа муҳим тадбирларни ўтказди. Бу турли соҳаларда кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорликни сезиларли даражада фаоллаштириш, иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни мустақамлаш, саноат кооперациясини кенгайтириш имконини берди.

Учрашувда Ҳамдўстлик давлатларининг савдо-иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, транспорт-коммуникация салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шунингдек, хавфсизликни мустақамлаш, замонавий хатар ва таҳдидларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш масалаларига эътибор қаратилди.

Гуманитар, таълим ва туризм соҳаларида алмашувларни изчил давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси келаси йил МДХда ҳамраис, 2020 йилда эса МДХ Давлат раҳбарлари саммитига мезбон бўлади.

МДХ норасмий саммити доирасида Президентимиз қатор давлат раҳбарлари билан икки томонлама суҳбатлар ўтказди. Уларда 2018 йилда самарали шерикликнинг асосий яқунлари ва келгусидаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Санкт-Петербург шаҳрига ташрифи якунига етди.

Ў.А.

Қонун лойиҳалари муҳокама қилинди

2018 йил 6 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

(Давоми 2-бетда)



Конституция – ҳуқуқларимиз асоси

Наманган шаҳридаги 70-умумтаълим мактабида Бош қомусимиз қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишлаб маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш билан бирга, уларда ватанпарварлик туйғуларини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Ёшларнинг билим олиши, касб-хунар эгаллаши, иқтидор ва салоҳиятини намоён этиши учун яратилаётган имкониятларнинг ҳуқуқий асоси Конституциямизда ўз ифодасини топгани, Бош қомусимизнинг ҳар бир моддаси фуқаролар манфаатига

хизмат қилаётгани хусусида ўқувчиларга кенг тушунча берилди.

Савол-жавоб тарзидаги баҳсда ёшларнинг ҳуқуқий билими синовдан ўтказилди.

Хотам МАМАДАЛИЕВ (Ў.А.) олган сурат.

Муносиб меҳнатнинг кафолати

Андижон давлат университетида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – муносиб меҳнатнинг ҳуқуқий кафолати» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Андижон вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан ўтказилаётган тарғибот лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, бошланғич касаба уюшма кўмиталари раислари, талаба-ёшлар иштирок этди.

– Мамлакатимизда олиб борилаётган ёшлар сиёсати мустақам ҳуқуқий асосга эга, – дейди вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари Ҳамидулло Матисаев Ў.А. мухбири Фахриддин Убайдуллаевга. – Бу, энг аввало, Бош қомусимизда, қо-

лаверса, қатор фармон, қарор ва бошқа меъёрий ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Бу ҳужжатлар ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни маънан ва жисмонан баркамол улғайтиришга хизмат қилмоқда.

Тадбир доирасида вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси тарғибот гуруҳлари томонидан «Касаба уюшмасига аъзо бўлишнинг афзалликлари», «Ходимга жамоа шартномасида бериладиган имтиёзлар», «Ёшлар учун меҳнат қонунчилигида белгиланган имтиёз ва кафолатлар», «Хавфсиз меҳнат шартлари яратиш – хавфсиз ҳаёт гарови», «Ходимларни соғломлаштиришда касаба уюшмасининг роли» каби тақдимотлар орқали ёшларга касаба уюшмалари фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари, шунингдек, касаба уюшмаларининг ижтимоий шериклик асосида ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини

қучайтириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида тушунчалар берилди.

Иштирокчилар касаба уюшмалари томонидан олий ўқув юртлирида таълим сифати ва самарадорлигини оширишда жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш, талабаларга «Касаба уюшмаси стипендиясини» бериш, битирувчилар бандлигини таъминлаш, уларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, ёш олимларнинг инновацион ғоя ва ишланмалари амалиётга татбиқ этилишига кўмаклашиш, соғломлаштириш ишларини ташкил этиш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам атрафлича маълумотга эга бўлди.

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларда турли ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни мустақамлаш, ўз имконият ва салоҳиятини тўлақонли юзга чиқаришга кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилаётгани, ана шу имкониятлардан унумли фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Engelberg

YANGILANISH VAQTI KELDI!

SHVEYTSARIYA SIFATIDAGI ROM VA ESHIKLAR

Engelberg 7600

+99871 207 77 77

ПРОИЗВОДСТВО ДЛЯ СИСТЕМ ВЕНТИЛЯЦИИ И КОНДИЦИОНИРОВАНИЯ ВОЗДУХА ISO 9001:2015

ПКП ООО «JIHOZ-VENTILYATSIYA»

e-mail: jihoz-vent@mail.ru сайт: www.jihoz-vent.uz
Тел: +998 (71) 273-06-77 факс: +998 (71) 273-92-68
Товари сертифицированы

DORSA

PO'LAT ESHIKLARI

+998 99
595 55 55

www.dorsa.uz
info@dorsa.uz

XX "Sam-Ferre" xizmat ko'rsatadi

РЕКЛАМА

МУВАФФАҚИЯТНИНГ ИЗОЖ КАФОЛАТИ

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

КАМБ АДАРА: АДОМ ОҚСОНИЙНИНГ КЎНУНГИ ВЕТРИМ ИСТИ

4 БУНЁДКОРЛИК

Вилоят марказида бунёд этилаётган ҳар бир бино, турар жой юксак дид, замонавий архитектура ечимлари қўлланган лойиҳалар асосида қуриляётгани шаҳарнинг кўрғига кўрк бағишламоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги «Обод қишлоқ» дастури тўғрисида»-ги ва 2018 йил 27 июндаги «Обод маҳалла» дастури тўғрисида»-ги фармонлари ижроси бўйича бугунги кунда юртимизнинг барча ҳудудларида кенг қўламда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари юрдошларимиз қалбини қувончга, энг чекка қишлоқларимизни эса кўрку чиройга тўлдираётгани аини ҳақиқат.

Навоий вилояти ҳам бу борада асло орда қолаётгани йўқ. Сабаби вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида рўй берган ўзгаришларни кўрган ҳар қандай кишининг кўзи қувнади, кўнглида шукроналик ҳисси жўш уради.

Вилоят марказида бунёд этилаётган ҳар бир бино, турар жой юксак дид, замонавий архитектура ечимлари қўлланган лойиҳалар асосида қуриляётгани шаҳарнинг кўрғига кўрк бағишламоқда.

ЧИРОЙИ ОЧИЛГАН ҚИШЛОҚЛАР

Навоийда «Обод қишлоқ» дастурида назарда тутилган ишлар жорий йилнинг март ойида-ноқ синов-тажриба тарзида бошлаб бориладиган эди, аслида. Хусусан, Хатирчи туманининг Хўжақўрғон, Нурота туманидаги Чуя, Томди туманининг Утамурод, Учқудук туманидаги Қулқудук, Қизилтепа туманининг Малиқобод, Қонимех туманидаги Шодибек, Навбаҳор туманининг Қўшқочди қишлоқларида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бироз вақтироқ бошланган. Бугун ушбу ҳудудлар ҳар қандай шаҳарликнинг ҳам ҳавасини келтирадиган қиёфа касб этиб улгурган.

Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги фармонлари қабул қилиниши муносабати билан бу ишлар янада кенгайтирилиб, вилоятнинг 8 та ҳудудидидаги 16 та қишлоқ оммавий ҳашар майдонларига айланди. Коммунал, қурилиш, энергетика ва бошқа соҳаларига тааллуқли корхона ва ташкилотлар мутахассислари ушбу қишлоқлардаги турар жойлар, йўллар ва ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш, янги иншоотлар бунёд этишга сафарбар этилди.

Шаҳарсозлик талабларига жавоб бермайдиган 445 та ноқонуний қурилмалар бузилиб, белгилаб олинган 10 403 та хонадоннинг 90 фоизидан ортиғи таъмирланди. Ҳозирда қолган уй-жойларда таъмирлаш ишлари олиб бориламоқда. Бундан ташқари, муҳандислик коммуникациялари бўйича 146 километр электр тармоқлари, 130 километр газ тармоқлари, 221 километр ички йўллар ва 75 километр ичимлик сув тармоқларида таъмирлаш ишлари якунига етказилди.

Ижтимоий ва бозор инфратузилма объектлари бўйича ҳам бир қатор ишлар режалаштирилган бўлиб, аксарият қисмида ишлар якунланди. Хусусан, 18 та мактаб, 14 та боғча, 10 та тиббиёт, 12 та маҳалла ва 14 та маданий марказ – жами 68 та объектада қурилиш ишлари бажариш кўзда тутилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 91 тани ташкил этмоқда. Бугунги кунга қадар 31 та мактаб, 15 та боғча, 10 та тиббиёт объекти ва 10 тадан маҳалла ва маданий марказда жами 76 та объектада ишлар ниҳоясига етказилди. Булардан ташқари, жойларда аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш борасида 57 та инфратузилма объектларининг 46 тасида ишлар якунланди. Буларга 13 та савдо комплекси, 8 та ҳаммом, 1 та тикув цехи, 12 та болалар ва 12 та футбол майдончаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

– Мазкур қишлоқларда олиб борилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари учун 242 млрд сўм маблағ сарфлаш режалаштирилган бўлиб, амалда режага нисбати 109 фоиз, яъни 265 млрд сўм маблағ йўналтирилди, – дейди биз билан сўхбатда вилоят ҳокимлигининг Саноат, капитал қурилиш, коммуникациялар, транспорт, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш масалалари мажмуаси котибияти мудири Акбар Ниёзов. – Ушбу маблағларнинг катта қисми республика ва маҳаллий бюджет ҳамда банк кредитлари ҳисобига тўғри келади. Шу билан бир қаторда, НКМК ва «Қизилқумцемент» АЖ каби йирик ташкилотларнинг ҳомийлик маблағлари ҳам катта кўмак бўлганини эътироф этиш ўринли.

Яна бир масалани алоҳида таъкидлаш мумкин, объектларда олиб борилаётган ишлар учун ўз вақтида қурилиш материаллари етказиб берилишини таъминлаш бўйича «Қизилқумцемент» АЖ томонидан 16 та қишлоқда махсус савдо шохобчалари ташкил этилди.

Дастур доирасида олиб борилган ишлар доирасида аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга ҳам катта эътибор қаратилди. Хусусан, 2 506 киши, шу жумладан 846 нафар аёл иш билан таъминланди, 72 киши касб-хунарга қайта ўқитилди. 1 510 нафар кишига 12 642 миллион сўм миқдорда имтиёз кредитлар ажратилди.

Бугунги кунда 16 та қишлоқнинг 5 тасида, яъни Томди туманининг Утамурод, Учқудук туманидаги Қулқудук, Хатирчи туманининг Хўжақўрғон, Нурота туманидаги Чуя, Қизилтепа туманининг Малиқобод қишлоқларида ободонлаштириш ишлари якунига етказилган. Қолган 11 та қишлоқда ҳам ишлар якунланиши арафасида.

НАВОЙИНИНГ ОБОД МАҲАЛЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги «Обод маҳалла» дастури тўғрисида»-ги фармонида мувофиқ, Навоий вилоятининг 5 та маҳалла, яъни Навоий шаҳрининг «Тинчлик» ва «Бунёдкор» ҳамда Зарафшон шаҳрининг «Дауғизата», «Қончилар» ва «Олтин водий» маҳаллаларида ободонлаштириш иш-



ри олиб борилмоқда. Мазкур манзилларда жами 5 026 та хонадон бўлиб, уларда 23 600 нафар киши истиқомат қилади.

– Ушбу маҳаллаларда олиб борилган ишлар натижасида жами 75 та ноқонуний қурилмалар бузилиб, салкам 586 та яқка тартибдаги, 90 га яқин кўп қаватли турар жойлар таъмирдан чиқарилди, – дейди Навоий вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Отабек Аслонов. – Амалга оширилган ишлар доирасида муҳандислик коммуникациялари бўйича 3 километр электр, 12 километр газ, 13 километр ирригация, 12 километр ичимлик сув тармоқлари ҳамда 18 километр ички йўллар таъмирланди.

Дастурга мувофиқ, ижтимоий ва бозор инфратузилма объектлари бўйича ҳам кўплаб ишлар бажарилган. Масалан, 5 та мактаб, 3 та боғча, 2 та тиббиёт ва 4 та маҳалла биносидида белгиланган қурилиш ишлари якунига етказилган. Шунингдек, 4 та инфратузилма объекти, яъни 2 та ҳаммом ва 2 та савдо мажмуаси ўз муддатида қурилиб, фойдаланишга топширилган.

Шу билан бирга, 19 минг квадрат метр ҳудуд ободонлаштирилди. 5 та чикинди ташлаш пунктлари ўрнатилди ва мавжуд 16 таси таъмирланди. Мазкур ҳудудларда амалга оширилган ишлар учун жами 61 млрд сўмдан ортиқ маблағ сарф этилди.

Маҳаллаларда истиқомат қилувчи 678 киши иш билан таъминланди. Буларнинг 315 нафарини аёллар ташкил этади. Шунингдек, тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 110 кишига 780 миллион сўм миқдорда имтиёз кредитлар ажратилди. Шу кунларда ушбу ҳудудлардаги ишлар тўлиқ якунланиши арафасида.

ЧУЯНИНГ ЯНГИ ЖАМОЛИ

Пурвиқор тоғлар кўйида жойлашган, гўзал табиати ҳар қандай кишини мафтун этадиган Чуя қишлоғи «Обод қишлоқ» дастури доирасида амалга оширилган кенг қўламдаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари туфайли чинакам чиройга эга бўлди.



Қишлоқдаги мавжуд 2 та мактаб, битта коллеж ва оилавий поликлиникада реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари бажарилиб, 1 та 60 ўринли боғча, маҳалла гузари, бозор бунёд этилди. Шунингдек, тадбиркорлар маблағи ҳисобидан 210 ўринли тўйхона, ҳаммом ва замонавий мини футбол майдончаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

– Бугунги кунда «Обод қишлоқ» дастури доирасида Нурота тумани Чуя қишлоғидаги аҳоли

хонадонларини тартибга келтириш, ижтимоий соҳа объектлари, коммуникация тармоқлари ҳамда йўл инфратузилмасини яхшилаш борасида кўплаб амалий ишлар олиб борилди, – дейди туман ҳокими Жамолиддин Ҳамроев. – Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимиз аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш, юртимизни янада обод қилиш бўйича бошланган ушбу лойиҳа ўта муҳим ва катта аҳамиятга моликдир. Шу боисдан, вилоят ҳокими раҳбарлигида энг чекка ва эътиборга муҳтож қишлоқларни обод қилиш бўйича чора-тадбирлар режаси ҳамда «йўл харитаси» ишлаб чиқилиб, ҳар бир ҳудудда штаблар ташкил этилди. Дастурда белгиланган вазифаларнинг ижросини сифатли ва ўз вақтида таъминлаш юзасидан барча мералар кўрилди.

«Обод қишлоқ» лойиҳасини амалга ошириш бўйича ташкил этилган штабдан берилган мълумотларга кўра, Чуя қишлоғидаги 432 та аҳоли хонадонлари, 4 та ижтимоий соҳа ҳамда 30 дан ортиқ нотурар жой объектида таъмирлаш ва тартибга келтириш ишлари белгиланган эди. Бу ишларни амалга ошириш учун вилоятдаги 52 та ва тумандаги 101 та ташкилот бириктирилиб, барча ишлар ўз муддатида сифатли уйданди.

Қишлоқдаги 13-сонли мактаб ва оилавий поликлиникада «Муҳаммаднинг Аббос келажиги» МЧЖ қурувчилари томонидан бажарилган капитал таъмирлаш ишлари натижасида бинонинг ёритиш тизимлари юз фозга янгилашиб, ташқи фасади бутунлай ўзгарди. Пол ва том қисмида жорий таъмирлаш олиб борилди. Бино тўлиқ янги МДФ эшиклари ва пластик ромлар билан жиҳозланди. Бу эса мактабга янада кўрк бериш билан бирга хоналарнинг ҳароратини бир мез-ёрда ушлаб туришга хизмат қилади. Мактабда сув таъминоти яхши бўлсада, иситиш тизимида

хоналардаги иситиш батареялари ва қувурлар янгиланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, «Қизилқумцемент» АЖ томонидан кўрсатилган амалий ёрдам Чунинг чинакам обод қишлоқ қиёфасини касб этишида катта мадад бўлди. Корхона томонидан дастур доирасидаги ишларни бажариш бўйича ҳомийлик ёрдами кўрсатилиши баробарида, қурилиш-таъмирлаш ишларига корхона ишчиларидан иборат 120 кишилик ҳашарчилар жалб этилди. Шунингдек, корхонанинг самосвал, экскаватор ва бошқа кўплаб техникалари мазкур ишларда жуда асқотди.

Чунинг оилавий поликлиникани таъмирлаш бўйича қилинаётган ишлар ҳам мактовга лойиқдир: Қишлоқ аҳоли учун янада сифатли тиббий хизмат кўрсатишда таъминлаш учун оилавий поликлиника сув ва иситиш тизими қувурлари, поли янгиланди. Янги қозон ва бинода иссиқ сув таъминотини яхшилаш юзасидан замонавий печлар ўрнатилди. Ёритиш тизимлари ҳам тўлиқ янгиланди. Полиликникада ижтимоий аптека, тез тиббий хизмат фаолияти ва патронаж хизмати йўлга қўйилди.

Қишлоқ марказида кўнанинг қарама-қарши тарафида қад ростлаган қатор савдо дўконлари, хунармандлар ва аҳолига маъий хизмат кўрсатиш шохобчалари, ижтимоий соҳа объектлари ҳудудга кўрк бағишлаш билан бирга, аҳолининг турмуш фаровонлигига катта ҳисса қўшмоқда.

Янгидан бунёд этилган «Чуя» МФЙ маҳалла маркази биносидида раис, котиба, маслаҳатчи хоналари, кутубхона ҳамда фаоллар зали, милиция таянч пункти, ёшлар билан ишлаш бўлими жой олган. Маҳмуа қурилиши «Арба» корхонаси жамоаси томонидан амалга оширилди. Мазкур бино ёнида «Темур Малик» МЧЖ томонидан бунёд этилган 60 ўринли мактабгача



таълим муассасаси ҳамда 800 м² майдонга эга сунъий қопламали мини-футбол майдончаси жой олган.

Кўча ва хиёбонларда ободонлаштириш-қўллаш ишлари бажарилди. Марказий кўчаларга тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди.

Хуллас, бетакрор табиати, соф ҳавоси билан кишиларни ҳамиша мафтун этиб келаётган Чуя бугун ўзининг замонавий кўриниши билан ҳам юртимизнинг обод масканларидан бирига ай-

ланиб улгурди. Эл-юрт фаровонлигини ошириш йўлидаги бундай эзгу ишлардан қишлоқ аҳолиси беҳад мамнун.

ХўЖАҚЎРҒОННИНГ БУГУНГИ МАНЗАРАСИ

«Обод қишлоқ» дастури доирасида Хатирчи туманидаги Хўжақўрғон қишлоғида амалга оширилган ишлар ҳам киши ҳавасини келтиради.

Дастлаб икки мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган ҳудуддаги уйларнинг ҳар бири кўздан кечирилиб, уй-жойлар ҳолати, томорқа, оилаларнинг ижтимоий аҳоли мониторинг қилинди. Ҳар бир хонадонда режа асосида бунёдкорлик ишлари бажарилди.

– Ҳудудда қурилиш моллари дўкони ишта туширилиб, фишт, шифер, оҳак ва цемент маҳсулотлари арзонлаштирилган нарҳларга етказиб берилди, – дейди туман ҳокими Фодир Алиев. – Қурилиш-таъмирлаш ишлари билан банд ходимларга тушлик ташкил этилди. 24-умумтаълим мактаби тубдан реконструкция қилиниб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Мактабга таълим муассасаси, ҳаммом, сунъий қопламали мини-футбол стадиони, болалар майдончаси, оталар чойхонаси, оилавий поликлиника, супермаркет қурилди. Муҳандислик-коммуникация тармоқлари, 16 километр ички йўллар ва газ узатиш линияси капитал таъмирланди. 14 километр электр тармоғи, 5 километр тоза ичимлик сув қувури тортилди. Кўчаларга асфальт ётқизирилиб, ёритиш чироқлари ўрнатилди.

Қишлоқлар меъморий қиёфасининг тубдан янгилалиши, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ва ижтимоий соҳа объектлари барпо этилаётгани аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириб, дунёқарашини кенгайтирмоқда. Обод ва замонавий уйларда яшаётган одамларнинг ҳаётга муносабати ўзгарди.

«Куч бирдамликда», деганлари шу бўлса керак, Барча бир мақсад атрофида биригилган сабабли Хўжақўрғон мўъжаз шаҳарча қиёфа касб этди. Дарҳақиқат, аҳиллик ва бирдамликда ҳикмат кўп...

МАЛИҚОБОДЛИКЛАР ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

Қизилтепа тумани вилоят марказидан анча олисда жойлашган туманлардан бири. Бу ерда 48 та маҳалла мавжуд бўлиб, уларда 146,8 минг киши истиқомат қилади. 16 та боғча, 41 та мактаб, 6 та лицей ва коллежлар ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Тумандаги 2 та қишлоқ Дастур доирасида амалга оширилган ҳудудлар қаторидан ўрин олган эди. Малиқобод маҳалласи айнан мана шу дастур асосида туманда биринчи бўлиб обод қишлоққа айлантирилди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги кенг нишонланган жорий йил малиқободликлар учун қўшалоқ байрам бўлди. Чунки айнан шу сана арафасида дастур асосидаги бунёдкорлик ишлари якунланиб, тайёр иншоотлар малиқободликларга топширилди. 60 ўринли мактабга таълим муассасаси, ҳудуддаги 31-умумий ўрта таълим мактабига 220 ўринли қўшимча ўқув биноси, қишлоқ оилавий поликлиникасининг қайта таъмирланиши, болалар майдончаси, сунъий қопламали мини-футбол майдони, новвойхона, маҳалла гузарининг янги биноси, ёшлар меҳнат гузари қабила шулар жумласидан. Малиқободликларга тухфа қилинган ушбу байрам совғаси уларни жуда қувонтирди.

– Қишлоқдаги 31-сонли мактаб 221 миллион сўм маблағ эвазига таъмирдан чиқарилди, – дейди туман ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш масалалари бўйича ўринбосари Ҳасан Алиев. – Шу билан бирга, қўшимча 1,9 млрд сўм маблағ ҳисобидан 220 ўринли ўқув биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, 1,8 млрд сўмдан ортиқ маблағ ҳисобига 1 та мактабга таълим муассасаси бунёд этилди.



Юз бераётган ўзгаришлар аҳолининг кайфиятини кўтариб, ўз юртига бўлган муҳаббатини янада юксалтирмоқда. Қалби фахрга тўлган ҳар бир навоийлик ҳам юртимиздаги бунёдкорлик жараёнларига ўз ҳиссасини қўшишга ошиқмоқда.



КЎКАЛАМЗОР ЙЎЛ БЎЙЛАРИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда автоўлардаги қурилмаларнинг меъморий-бадий сифатини яхшилаш, йўл бўйларидаги кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларига бўлган эътибор тобора ортиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 сентябрдаги «Автомобиль йўлларини кўкаламзорлаштириш ва архитектура-ландшафт жиҳатдан тузиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат кўмитаси ҳузурида «Ўзйўлкўкаламзорлаштириш» давлат унитар корхонасининг ташкил этилиши ҳам бу борадаги ишларни тубдан яхшилашга қаратилган.

Маъзур қарор ижроси юзасидан Навоий вилоятида қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, 2018-2021 йилларга қадар вилоят авто-мобиль йўллари бўйлаб 39 000 дан зиёд қарағай, заранг, эман, каштан, шумтол, арча каби манзарали дарахт ва бута кўчатлари ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, ҳозирда ушбу ишлар натижасида йўл четларидаги очиқ майдонлар яшилликка бурканмоқда. Маъзур ишларда яқиндагина фаолият бошлаган «Навоийўлкўкалам» унитар корхонаси ҳам ўзининг муносиб улушини қўшмоқда.

Корхона томонидан умумфойдаланувдаги автомобиль йўллари атрофини кўкаламзорлаштириш мақсадида бугунга қадар 22 минг дондан ортиқ дарахт ва бута кўчатлари экилиб, белги-ланган режа ортиги билан бажарилди. Жумладан, М-37 «Самарқанд – Ашхобод – Туркманбоши» автомобиль йўлининг 156-171 километр оралиғида 4,6 минг дон, А379 «Навоий – Учқудўқ» (Зарафшон орқали) автомобиль йўлининг 15-30 километр оралиғида 7,1 минг дон, 4Р57 «Қизилқум ҳалқа» автомобиль йўлининг Навбахор туманидан ўтувчи қисми 9-10,3 километри оралиғида 3,2 минг дон, 4Р56 «Оқтош – Янгиработ

метр чуқурликда ер қаридан сув тортиб чиқарилди, – дейди «Навоийўлкўкалам» УК директори Одил Раҳматов. – Бунинг учун ЭЦВ-6 маркали насос ўрнатилган бўлиб, унинг ёрдамида соати-га 6 КВт электр энергия сарфлаб, 20-25 куб метр суви 220 куб метр сизимга эга бўлган махсус қурилган ҳовузга ташланади. Ҳовузга ташланган суви К80-65-160 маркали қўшимча 2 та насос ёрдамида атрофидаги 1 500 метргача бўлган масофага етказиб бериш таъминланди. Бундай бунёдкорлик ишлари натижасида чўл ҳудуди ҳисоб-ланган маъзур объектда бир ой давомида 8 000 дондан ортиқ дарахт ва буталарни 4-5 марта суғориш имконияти яратилди.

Умумфойдаланувдаги автомобиль йўллари атрофини кўкаламзорлаштириш мақсадида шу кунга қадар ўрмон хўжаликларидан қарийб 400 миллион сўмлик кўчатлар харид қилинди. Бундан ташқари, келгусида корхона томонидан кўчатлар етиштириш мақсадида манзарали дарахтларни парваришlash ва етиштиришга ихтисослашган махсус кўчатхона ҳам ташкил этилди.

– Маъзур ихтисослашган махсус кўчатхонани замонавий шаклда ташкил қилиш мақсадида ер ҳамда унинг учун минерал ва органик ўғитларни тайёрлаш ишларига 29,0 миллион сўм сарфланди, – дейди О. Раҳматов. – Шунингдек, хориждан ноёб турдаги манзарали дарахтларни сотиб олиш учун 252,0 миллион сўм, дарахт кўчатлари суғориш учун томчилаб суғориш тизимини барпо этишга 30,0 миллион сўм ҳамда кўчатхона муҳофазаси учун атрофини ўрашга 25,0 миллион сўм маблағ ажратилди. Келгусида ноёб турдаги ниҳоллар қиммат нархларда чет давлатлардан сотиб олинмасдан, ҳудуд иқлимига мослаштирилган шаклда маъзур кўчатхоналарда етиштирилиши кўзда тутилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбарининг фармонлари асосида қабул қилинган дастурларга мувофиқ амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари Навоий вилоятининг кўлаб шаҳар ва қишлоқла-

ҳам фаровон бўлур

– Аввало, мана шундай хайрли ишлар бошида турган Юртбошимизга маҳалламиз аҳли номидан чуқур миннатдорлик билдиришни истардим, – дейди «Малиқобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зиёдилла Азизов. – Шу билан бирга, маҳалламизнинг обод бўлишида ўзларининг сидқидил меҳнатларини аямаган вилоят ва туманимиз раҳбарлари, «Белла плюс» МЧЖ, «Қизилтепа курилиш инвест» МЧЖ каби қурилиш ташкилотларининг ишчи-хизматчиларига ҳам ўзимизнинг самимий раҳматларимизни айтаман.

Қишлоқда савдо ва сервис хизматлари кўрсатилишини яхшилаш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси, ҳаммом қурилди. Аҳолини, айниқса, ёшларни мунтазам спорт билан шуғуланишлари учун шароитлар яратилди.

Муҳандислик коммуникациялари бўйича 10,6 километр газ тармоқлари тазмирланди. 10 км янги электр тармоғи тортилиб, 2 та трансформатор ўрнатилди. 10,5 километр ичимлик сув тармоқлари ётқизиلىб, сув иншооти қурилди. 3,8 млрд сўм маблағ ҳисобига йўللار яхшиланди.

– Биласизми, авваллари маҳалламиздаги йўллардан юришининг ўзи мушкул эди, – дейди маҳалла оқсоқоли. – Бугунги кунда, ўзингиз кўриб турганингиздек, йўлларимиз раvon. Тунги вақтлари янги ўрнатилган чироқлар қишлоғимизни кундузгидек ёритиб турибди. Энг асосийси, осийшталикни сақлаш мақсадида кузатув камералари ўрнатилиб, участка ноизи ва маҳалла посбонлари туну кун маҳалла тинчлигини назорат қилиб туришади.

Маҳалла аҳлининг иш билан бандлигини таъминлаш борасида қандай ишлар қилингани ҳақида оқсоқолдан қизиқиб сўрадик.

– Маҳалламиз аҳли ўзи меҳнаткаш, – деди юзидаги табассумини яширолмайд Зиёдилла ака. – Шуни айтишим керакки, ишдан ташқари вақтлари аҳолининг аксарияти ўз томорқаси билан банд. Тадбиркорларимизга тасаннолар айтиш керак. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан янги-янги корхоналар ишга туширилмоқда. Шундоқки яқинимизда «Тошрабат текстиль» ишлаб турибди. Ана шу корхонанинг «Бахт текстиль» филиали очилиши билан маҳалламиз аҳли

учун янги иш жойлари яратилди. Бундан ташқари, тадбиркорлар иссиқхоналар барпо этишган. У ерда ҳам бизнинг маҳалладолларимиз меҳнат қилишмоқда.

Дастур доирасидаги ишлар натижасида «Қизилтепа пилла хазинаси» МЧЖга қарашли пилла қайта ишлаш мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги корхонада 80 нафарга яқин хотин-қизнинг доимий иш билан, 2 000 дан ортигини мавсумий иш билан таъминлаш кўзда тутилган. Мажмуада Хитойдан келтирилган икки линия ишлаб турибди. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг ҳаммаси Хитой, Вьетнам каби мамлакатларга экспорт қилиниши мўлжалланган.

– Биз оиламиз билан илгари бўстон қишлоғида истиқомат қилиб, ўша ердаги поликлиникада ҳамшира бўлиб ишлардим, – дейди «Қизилтепа» қишлоқ врачлик пунктнинг «Малиқобод» филиали ҳамшираси Дилором Жўраева. – Бу ерда ҳеч бир ташвишсиз ишлашим учун ушбу маҳалладан алоҳида уй-жой беришди. Эндиликда, қўриб турганингиздек, барча шароитлар яратилган қишлоқ врачлик пунктида аҳоли саломатлигини доимий назорат қилиб турибмиз.

Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда бугунги кунда бир нечта мактабгача таълим муассасалари фаолият юритмоқда. Улардан бири – 21-мактабгача таълим муассаси янгитдан қад ростлади. Ҳозирги кунда тадбиркор Сарвиноз Раҳмонова маҳалла фуқаролар йиғини жойлашган эски бинони «ноль» қийматдаги харид нархда сотиб олиб, замонавий хусусий мактабгача таълим муассаси қурмоқда. Бу маҳалладаги болажонларнинг эмин-эркин ўсишлари, тарбия ва таълим олишларига замин яратяди.

– Муассасамизнинг қурилиши жорий йилнинг май ойида бошланганди, – дейди 21-мактабгача таълим муассаси мудири Лобар Юсупова. – Мустақиллигимизнинг қутлуғ 27 йиллиги байрами арафасида маскан болажонларни ўз бағрига олди. Бугунги кунда муассасамизда 10 нафар олий маълумотли аёл-қиз меҳнат қилмоқда.

– Боғчадаги ичимлик суви масаласи қандай ҳал қилинган? – қизиқиб сўрадик мудирадан.

– Нафақат бизнинг боғча, балки қишлоқ аҳли ичимлик суви билан тўлиқ таъминланган, – дея



жавоб берди қувонч билан Л. Юсупова. – Бунинг учун узоқ эмас, шу яқин ўртадан ўтувчи «Дамхўжа» сув магистралидан ичимлик суви қувурлари тортиб келинган.

Яқинда Қизилтепа туманининг Хўжа-Ҳасан ҳудудда яна иккита янги мактабгача таълим муассасасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. «Бахт текстиль» МЧЖ томонидан қўриб фойдаланишга топширилган Хўжақўрғон қишлоғидаги 24-сонли ва Ғамхўр қишлоғидаги 25-сонли боғчалар 120 нафар болани ўз бағрига олди.



– Лангар – Чўя» автомобиль йўли 11-19 километр оралиғида 1,6 минг дон, 4Р232 «Деҳибаланд қ. – Ғазгон қони Варажон қ.» автомобиль йўли 11-12 оралиғида 0,717 минг дон, 4Р63 Когон – Қизилтепа – Тошробод – Янгиқўрғон» автомобиль йўли 65 километрга 0,690 дон ва бошқа давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларига 4,0 минг дондан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари экилди.

– 4Р57 «Қизилқум ҳалқа» автомобиль йўлининг Навбахор туманидан ўтувчи 9-10,3 км қисмида экилган дарахт ва бута кўчатларини ўз вақтида суғоришни йўлга қўйиш мақсадида 100

рига янгича кўрқ ва файз бахш этган. Юз бераётган ўзгаришлар аҳолининг кайфиятини кўтариб, ўз юртига бўлган муҳаббатини янада юксалтирмоқда. Қалби фахрга тўлган ҳар бир навоийлик ҳам юртимиздаги бунёдкорлик жараёнларига ўз ҳиссасини қўшишга ошиқмоқда.

Дилшод ЖАЛОЛОВ,
Шўҳрат ХЎЖАЕВ,
Эшмуҳаммад ХАЛИЛОВ (фото),
«O'zbekiston bunyodkori»нинг
махсус мухбирлари.
Тошкент – Навоий – Тошкент.





«QIZILQUMSEMENT» AJ ЖАМОАСИ



барча ватандошларимизни,
ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан
озод юртимизни янада обод қилаётган
бунёдкорларни
8 декабрь –
Конституция қабул қилинганининг

26 йиллиги

билан самимий табриклайди.
Дунё аҳлини лол қолдираётган
обод юртимиз бундан-да чирой очиб,
унинг тинчлиги ва осудалигига асло кўз тегмасин!



«ҚИШЛОҚҚУРИЛИШЛОЙИҲА» МЧЖ БОШ ЛОЙИҲА-ҚИДИРУВ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

ўз касбига садоқатли ва фидойи бунёдкорлар,
муҳандису меъморларни, барча ватандошларимизни
8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси кун билан чин дилдан табриклайди.
Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад,
эзгу ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.



Байрамингиз муборак, азиз юртдошлар!




«O'ZSHAHARSOZLIK LITI» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

юртимиз аҳолисини мустақил
Ўзбекистонимиз Конституцияси
қабул қилинганининг

26 йиллиги

билан қутлайди.

Сизларга сиҳат-саломатлик, оилавий тотувлик,
бахту иқбол, элу юрт осойишталиги йўлидаги
ҳаракатларингизда куч-қувват тилаймиз.





8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган сананинг 26 йиллиги барчамизга муборак бўлсин!

«ЎЗШАҲАР ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз аҳолиси турмуш фаровонлигини янада ошириш, эҳтиёжманд оилаларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида Президентимиз қарори билан 2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп қаватли уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастури ижроси йўлида жойларда астойдил меҳнат қилаётган қурувчиларимиз, лойиҳачи ва меъморлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар ишчи-ходимларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллиги билан қутлайди. Ушбу байрам барчангизга янги кувонч ва шодликлар келтирсин!



«ЎЗБЕККОММУНАЛЛОЙИҲАҚУРИЛИШ» Давлат унитар корхонаси ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни тинчлигимиз,
бахтимиз кафолати бўлган
Бош қомусимиз қабул қилинган куннинг

26 йиллиги

билан самимий табриклайди.
Жонажон Ватанимизнинг тараққиёти ва
бундан-да гуллаб-яшнаши йўлидаги шарафли
меҳнатларингизда барчангизга улкан
зафарлар тилаймиз.



«UZGIR» МЧЖ

ЖАМОАСИ

Ўзбекистон аҳолисини халқимиз учун тинч,
обод ва фаровон ҳаёт барпо этишда
мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилаётган
Асосий қонунимиз қабул қилинган сананинг
26 йиллиги билан самимий қутлайди.
Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт,
тинчлик-хотиржамлик,
бунёдкорлик ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.



Самарқанд вилояти ҳоқими вази фасини бажарувчи Э. Турдимов «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишони билан тақдирланган фуқароларни табриклар, уларга мукофотни тантанали топширди.



Энг муносиблар маҳалла ифтихори бўлди

Самарқандда 38 нафар фидойи юрдошимизга «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишони топширилди.



Президентимизнинг 2017 йил 13 июлдаги «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилган мазкур мукофот жамият ҳаётида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва ролини кучайтириш, жойларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдек эзгу ишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган фаол, ташаббускор юрдошларимизни рағбатлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Самарқанд вилоятида бугунги кунда 1100 га яқин маҳалла фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маҳаллани

обод масканга, тадбиркорлик марказига айлантириш, ёшлар манфаатини ҳимоялашда мазкур тузилманинг ўрни йил сайин ошиб бормоқда. Айниқса, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатилган маҳалла фуқаролар йиғинлари муҳим роль ўйнамоқда. Кейинги йилларда юртимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада кучайтириш борасидаги ислохотлар натижасида маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ваколат мuddати уч йил этиб белгиланди. Бу ҳақда Конституцияга ҳам тегишли ўзгариш киритилди.

Самарқанд вилояти ҳоқими вази фасини бажарувчи Э. Турдимов «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишони билан тақдирланган фуқароларни табриклар, уларга мукофотни тантанали топширди.

– Вилоятимизнинг бир гуруҳ фаоллари қаторида биринчилардан бўлиб ушбу нишон билан тақдирланганимдан хурсандман, – дейди Каттакўрган шаҳридаги «Кўшқову» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Сабоат Нетьматова. – 1800 дан ортиқ маҳалладошларимнинг менга билдирган юксак ишончи тўғрисида беш йилдан буён маҳаллага бошчилик қилиб келаман. 410 га яқин хонадон аҳли билан бир оиладек иноқлигимиз, ҳамжиҳатликда ишлашимиз тўғрисида кейинги 3 йилда худудда бирорта жиноят содир этилмади, оилавий ажримлар бўлмади. Шу боис, бу нишонни бутун маҳалламиз аҳлига берилган мукофот деб қабул қилдим.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Т. Нурбоева иштирок этди.

Термиз шаҳрида ҳам Асосий қонунимиз қабул қилинганининг 26 йиллиги арафасида бир гуруҳ фаол ва ташаббускор фуқароларга «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишонини топшириш маросими бўлиб ўтди.



Президентимизнинг 2017 йил 13 июлдаги «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, мазкур нишон билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўрни ва ролини кучайтириш, жойларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган фаоллар тақдирланади. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, кенг қамровли профилактика тадбирлари ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда бошқаларга ўрнак

бўлаётган ташаббускор фуқаролар ва жамоатчилик тузилмалари вакиллари сазовор бўлади.

Сурхондарё вилоятида 717 маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритмоқда. Жорий йилда илк марта топширилган «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишонига воҳода маҳалла институти ишлари ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган 25 фаол, ташаббускор фуқаро ва жамоатчилик тузилмалари вакиллари муносиб топилди. Тақдирланганлар сафида Ангор туманидаги «Карвон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси М. Абдурахмонов ҳам бор.

– Мамлакатимизда бундай кўкрак нишонни таъсис этилгани қадимдан миллий қадриятлар, аҳиллик ва хайр-саховат маскани бўлган маҳаллага қаратайлаёт-

ган юксак эътибор намунаси, – дейди М. Абдурахмонов. – Маҳалламизда 3 минг 800 дан ортиқ аҳоли аҳил-иноқ яшайди. Ташаббускор, фидойи фаолларимиз, профилактика инспектори билан барча ишларни бамаънаво олиб бораётганимиз, ёш авлод таълим-тарбиясига доимий эътибор тўғрисида кейинги 5 йилда худудимизда бирорта жиноят қайд этилмади.

Тадбирда Сурхондарё вилояти ҳоқими вази фасини бажарувчи Б. Пулатов иштирокчиларни байрам билан табриклар, кўкрак нишонларни ўз соҳибларига тантанали топширди. Ватан, тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар тадбирга байрамона кайфият бағишлади.

Ў.А.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ХУДУДИЙ НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини демократик ҳуқуқ ва эркинликларимизни ҳимоя қилиш, қолаверса тараққиётимизнинг ҳуқуқий кафолати бўлмиш Конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллиги билан чин дилдан муборакбод этади. Сизларга мустаҳкам соғлиқ ва фаровонлик тилаймиз.



ТОШКЕНТ ШАҲАР ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ХУДУДИЙ НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида муносиб ҳисса қўшаётган бунёдкор халқимизни Конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллиги билан самимий қутлайди. Ушбу шодиёна кунда барчангизга сиҳат-саломатлик, қалбингизга қувонч ва шодлик ҳамisha ҳамроҳ бўлишини тилаймиз.

